

Тафтиш инстанциясида  
маърузачи: судья Е.Абибуллаев

Биринчи инстанцияда ишни  
кўрган судья Д.Халикназарова

Кассация инстанциясида  
маърузачи: судья О.Мухаммадиев

## ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2026 йил 26 февраль куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси, суд биносида, очиқ суд мажлисида, видеоконференцалоқа режимида,

раислик қилувчи: ушбу суднинг судьяси Ф.Тураходжаев,  
ҳайъат судьялари: Ж.Одилов ва Е.Абибуллаевдан иборат таркибда,  
судья катта ёрдамчиси: Ш.Фарҳодовнинг котиблигида,

тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Ш.Шомирзаев, маҳкум С.Саид Газиёвнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат Б.Ражабовнинг иштирокида,

Саид Газиёв Саид Сарвар Саид Синохоновичга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2025 йил 3 июндаги ҳукми ва Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2025 йил 20 ноябрдаги ажрими устидан маҳкум С.Саид Газиёв томонидан берилган шикоятга асосан 1-1001-2506/128-сонли жиноят ишини тафтиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Суднинг ҳукмига кўра,

1968 йил 7 июлда Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оиласидан ажрашган, бир нафар фарзанди бор, маълумоти олий, “Kvadratura” МЧЖ раҳбари, муқаддам судланган:

1) ЖИБ Чиноз туман судининг 24.07.2022 йилдаги ҳукмига кўра, ЖК 28,184-моддасининг 3-қисми, 28,189-моддасининг 1-қисми билан ЖК 59,61-моддалари тартибида 3 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

2) ЖИБ Чиноз туман судининг 17.04.2023 йилдаги ҳукмига кўра, ЖК 28,184-моддасининг 3-қисми, 28,189-моддасининг 1-қисми билан ЖК 59,61-моддалари тартибида, 3 йил 5 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

3) ЖИБ Фориш туман судининг 29.05.2023 йилдаги ҳукмига кўра, ЖК 28,184-моддасининг 3-қисми, 28,189-моддасининг 1-қисми билан ЖК 59,61-моддалари тартибида 3 йил 9 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;



4) ЖИБ Бувайда туман судининг 09.10.2024 йилги ҳукмига кўра, ЖК 184-моддасининг 3-қисми ва 189-моддасининг 1-қисми билан ЖК 59,60-моддалари тартибида, 3 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

5) ЖИБ Яккасарой туман судининг 07.01.2025 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 179-моддаси, 184-моддасининг 3-қисми, 189-моддасининг 1-қисми билан ЖК 59,61-моддаси тартибида 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ғайратий МФЙ, Ғайратий кўчаси, 72-уйда яшайди, иш бўйича 06.02.2025 йилдан қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган

**Саид Газиев Саид Сарвар Саид Синохонович**

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди, 179-моддаси, 184-моддасининг 3-қисми ва 189-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилиб, унга ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси; ЖКнинг 179-моддаси билан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖК 184-моддасининг 3-қисми билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖК 189-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖК 59-моддасининг 8-қисмига асосан узил-кесил ўташ учун 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташи белгиланган.

Ҳукм қонуний кучга киргач судланувчи С.Саид Газиевдан жиноят оқибатида етказилган қуйидаги:

- давлат фойдасига 2.561.681.800 сўм;
- жабрланувчи А.Рискалиевнинг фойдасига 53.790.000 сўм;
- жабрланувчи Ш.Саидмуродовнинг фойдасига 93.362.402 сўм;
- жабрланувчи Р.Гуловнинг фойдасига 49.000.000 сўм;
- жабрланувчи Д.Хамракуловнинг фойдасига 45.545.602 сўм;
- жабрланувчи Ф.Ахмедовнинг фойдасига 45.545.602 сўм;
- жабрланувчи Ш.Абдуллаевнинг фойдасига 36.931.000 сўм;
- жабрланувчи А.Олимовнинг фойдасига 53.800.000 сўм;
- жабрланувчи А.Ибрагимовнинг фойдасига 53.790.180 сўм;
- жабрланувчи Т.Ҳолмўминовнинг фойдасига 37.500.000 сўм;
- жабрланувчи М.Мақсадқуловнинг фойдасига 37.717.000 сўм;
- жабрланувчи Р.Менгбоевнинг фойдасига 36.931.000 сўм;
- жабрланувчи Ж.Орифбоевнинг фойдасига 98.257.658 сўм;
- жабрланувчи Ю.Зориннинг фойдасига 55.914.517 сўм;
- жабрланувчи И.Жалиловнинг фойдасига 63.252.367 сўм

миқдордаги моддий зарарлар ундирилиши белгиланган.



Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2025 йил 20 ноябрдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, С.Саид Газиёв алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг анча миқдорда мулкини қўлга киритиш мақсадида жиноят ишининг қисми ажратилган шахслар билан олдиндан тил бириктириб, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Бошлиқ МФЙ, Қушбеги кўчаси 316-уйда “Zamin Avto Motors 555” МЧЖни ташкил қилиб, мазкур жамиятнинг директори бўла туриб:

1. 2024 йил 12 январь куни А.Рискалиёвнинг ишончига кириб, унга автомашина олиб беришга ишонтириб, 12.01.2024 йилда 14/08/-128-сонли шартнома расмийлаштириб, шартномада 90 иш кунида “Cobalt” русумли автомашинасини олиб келиб беришга ваъда бериб, бунинг учун ундан бошланғич тўлов сифатида 53.790.000 сўм миқдорда пулларни қўлга киритиб;

2. такроран 2024 йил 15 январь куни Ш.Саидмуродовнинг ишончига кириб, унга автомашина олиб беришга ишонтириб, 15.01.2024 йилда 14/08/-129-сонли шартнома расмийлаштириб, шартномада 90 иш кунида “Cobalt” русумли автомашинасини олиб келиб беришга ваъда бериб, бунинг учун ундан бошланғич тўлов сифатида 93.362.402 сўм миқдорда пулларни қўлга қиритиб;

3. такроран 2024 йил 17 январь куни Р.Гуловнинг ишончига кириб, унга автомашина олиб беришга ишонтириб, 17.01.2024 йилда 16/08/-130-сонли шартнома расмийлаштириб, шартномада 90 иш кунида “Cobalt” русумли автомашинасини олиб келиб беришга ваъда бериб, бунинг учун ундан бошланғич тўлов сифатида 49.000.000 сўм миқдорда пулларни қўлга киритиб;

4. такроран 2024 йил 17 январь куни Д.Хамракуловнинг ишончига кириб, унга автомашина олиб беришга ишонтириб, 17.01.2024 йилда 14/08/-131-сонли шартнома расмийлаштириб, шартномада 90 иш кунида “Cobalt” русумли автомашинасини олиб келиб беришга ваъда бериб, бунинг учун ундан бошланғич тўлов сифатида 45.545.602 сўм миқдорда пулларни қўлга киритиб;

5. такроран 2024 йил 23 январь куни Ф.Ахмедовнинг ишончига кириб, унга автомашина олиб беришга ишонтириб, 23.01.2024 йилда 10/08/-134-сонли шартнома расмийлаштириб, шартномада 90 иш кунида “Cobalt” русумли автомашинасини олиб келиб беришга ваъда бериб, бунинг учун ундан бошланғич тўлов сифатида 45.545.602 сўм миқдорда пулларни қўлга киритиб;

6. такроран 2024 йил 25 январь куни Ш.Абдуллаевнинг ишончига кириб, унга автомашина олиб беришга ишонтириб, 25.01.2024 йилда 10/08/-136-сонли шартнома расмийлаштириб, шартномада 90 иш кунида “Damas” русумли автомашинасини олиб келиб беришга ваъда бериб, бунинг учун ундан бошланғич тўлов сифатида 36.931.000 сўм миқдорда пулларни қўлга киритиб;



7. такроран 2024 йил 26 январь куни А.Олимовнинг ишончига кириб, унга автомашина олиб беришга ишонтириб, 26.01.2024 йилда 14/08/-138-сонли шартнома расмийлаштириб, шартномада 90 иш кунида “Cobalt” русумли автомашинасини олиб келиб беришга ваъда бериб, бунинг учун ундан бошланғич тўлов сифатида 53.800.000 сўм миқдорда пулларни қўлга киритиб;

8. такроран 2024 йил 5 февраль куни А.Ибрагимовнинг ишончига кириб, унга автомашина олиб беришга ишонтириб, 05.02.2024 йилда 10/08/-141-сонли шартнома расмийлаштириб, шартномада 90 иш кунида “Cobalt” русумли автомашинасини олиб келиб беришга ваъда бериб, бунинг учун ундан бошланғич тўлов сифатида 53.790.180 сўм миқдорда пулларни қўлга киритиб;

9. такроран 2024 йил 6 февраль куни Т.Ҳолмўминовнинг ишончига кириб, унга автомашина олиб беришга ишонтириб, 06.02.2024 йилда 10/08/-143-сонли шартнома расмийлаштириб, шартномада 90 иш кунида “Labo” русумли автомашинасини олиб келиб беришга ваъда бериб, бунинг учун ундан бошланғич тўлов сифатида 37.500.000 сўм миқдорда пулларни қўлга киритиб;

10. такроран 2024 йил 6 февраль куни М.Мақсадқуловнинг ишончига кириб, унга автомашина олиб беришга ишонтириб, 06.02.2024 йилда 10/08/-142-сонли шартнома расмийлаштириб, шартномада 90 иш кунида “Labo” русумли автомашинасини олиб келиб беришга ваъда бериб, бунинг учун ундан бошланғич тўлов сифатида 37.717.000 сўм миқдорда пулларни қўлга киритиб;

11. такроран 2024 йил 7 февраль куни Р.Менгбоевнинг ишончига кириб, унга автомашина олиб беришга ишонтириб, 07.02.2024 йилда 10/08/-145-сонли шартнома расмийлаштириб, шартномада 90 иш кунида “Damas” русумли автомашинасини олиб келиб беришга ваъда бериб, бунинг учун ундан бошланғич тўлов сифатида 36.931.000 сўм миқдорда пулларни қўлга киритиб;

12. такроран 2024 йил 9 февраль куни З.Турганбоевнинг ишончига кириб, унга автомашина олиб беришга ишонтириб, 09.02.2024 йилда 10/08/-149-сонли шартнома расмийлаштириб, шартномада 90 иш кунида “Lacetti” русумли автомашинасини олиб келиб беришга ваъда бериб, бунинг учун ундан бошланғич тўлов сифатида 98.257.658 сўм миқдорда пулларни қўлга киритиб;

13. такроран 2024 йил 12 февраль куни Ю.Зориннинг ишончига кириб, унга автомашина олиб беришга ишонтириб, 12.02.2024 йилда 10/08/-146-сонли шартнома расмийлаштириб, шартномада 90 иш кунида “Cobalt” русумли автомашинасини олиб келиб беришга ваъда бериб, бунинг учун ундан бошланғич тўлов сифатида 55.914.517 сўм миқдорда пулларни қўлга киритиб;

14. такроран 2024 йил 12 февраль куни И.Жалиловнинг ишончига кириб, унга автомашина олиб беришга ишонтириб, 12.02.2024 йилда 10/08/-150-сонли шартнома расмийлаштириб,



шартномада 90 иш кунида “Cobalt” русумли автомашинасини олиб келиб беришга ваъда бериб, бунинг учун ундан бошланғич тўлов сифатида 63.252.367 сўм миқдорда пулларни қўлга киритиб, берган ваъдасини бажармай, жами 761.337.328 сўм пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Бундан ташқари С.Саид Газиёв тадбиркорлик ниқоби остида назорат қилинмайдиган даромад кўришни мақсад қилиб, уставда кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан, фойдани (даромадни) солиқлардан озод қилиш (солиқларни камайтириш) ёки бошқача мулкый манфаат кўриш орқали ўз мақсадини амалга ошириш йўлида жамиятнинг норасмий раҳбарлари ва жиноят ишининг қисми ажратилган бошқа жиноий шериклари билан бирга содир этган жиноятни фож этилиши орқали жавобгарликдан қочишни режа қилиб, 19.12.2023 йилда Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ивишариқ кўчаси, 1-уй манзили бўйича “Kvadratura” МЧЖни ўз номига қайта ташкил қилиб, жамиятнинг расмий раҳбари сифатида ҳужжатларга имзо қўйиш ҳуқуқини, жамиятнинг банк ҳисоб рақамлари ва солиқ идораларига ҳисобот топшириш бўйича имзо ҳуқуқларини ўз номига қўлга киритиб, жамиятнинг молиявий хўжалик фаолиятини расмий раҳбар сифатида бошқариб келиб, жамиятнинг давлат хизматлари маркази ва банк муассасаларидан олинган электрон калитлари ва муҳрларни қўлга киритиб жамиятнинг фаолият турини «Кўчмас мулк билан операциялар бўйича агентликлар фаолияти» сифатида кўрсатиб, жамиятнинг 2023 йил декабрь ойидаги молиявий фаолиятида солиқларни тўламаслик мақсадида товарларни нақд пулга сотиб юбориб, тушумни банкка топширмасдан жуда кўп миқдордаги товарсиз банк операцияларини амалга ошириб, сохта тадбиркорлик билан шуғулланиб келгани;

- 2023 йил декабрь ва 2024 йил июнь ойида кирим ҳужжатлари мавжуд бўлмаган 6.900.898,2 минг сўмлик товар-моддий бойликлар ва хизматларни реализация қилинганлиги тўғрисида ҳисоб-фактуралар расмийлаштирилган бўлсада, бу ҳақида солиқ органларига ҳисобот топширмасдан, шунингдек, 12.741.476,2 минг сўм қийматдаги ҳар хил турдаги товар-моддий бойликлар ва хизматларни харид қилиб, бироқ Давлат солиқ хизмати органларида мавжуд ташқи манба “Ҳисоб-фактура статистикаси”да ушбу товарлар реализация қилинганлиги тўғрисида ҳисоб-фактураларни расмийлаштирмасдан Ўзбекистон Республикаси, Вазирлар Маҳкамасининг 13.02.2003 йилдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо Қоидаларининг 189-банди ва Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрь кунидаги “Фискал хотирага эга бўлган назорат касса машиналарининг қўлланилишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чораталбирлар тўғрисида”ги 306-сонли қарори талабларига зид равишда 12.741.476,2 минг сўм ва 6.900.898,2 минг сўм қийматдаги ҳар хил турдаги товар-моддий бойликлар ва хизматларни харид қилиш ҳамда



реализация қилишда назорат касса машинасидан фойдаланмаган ҳолда терговда аниқлашни имкони бўлмаган шахсларга улгуржи тарзда нақд пулга сотиб юбориб, савдодан тушган нақд пулларни хизмат кўрсатувчи банкка топширмасдан, нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланишига йўл қўйиб, жуда кўп миқдордаги қийматда савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузгани ҳамда мазкур кўлга киритилган нақд пул маблағлар ҳисобига солиқ тўловларини тўлаш имконияти бўла туриб, реализация қилинган товарлардан Солиқ кодексининг 223-моддасига асосан 12% фоиз ставкада 1.526.547,1 минг сўмлик мажбурий тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғини ҳамда 15% фоиз ставкада мажбурий тўланиши лозим бўлган 1.035.134,7 минг сўмлик фойда солиғини, жами 2.561.681,8 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаб, Солиқ идораларига топширган бухгалтерия ҳисоботларида акс эттирмасдан, солиқ солиш объектини қасддан яшириб, 1.526.547,1 минг сўмлик қўшилган қиймат солиғини ва 1.035.134,7 минг сўмлик фойда солиғи тўловларини, умумий ҳисобда 2.561.681,8 минг сўм миқдорда турли солиқ тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдордаги қийматда зарар етказгани аниқланган.

Маҳжум С.Саид Газиёв тафтиш шикоятда, суд қарорларидан норозилиги, суд томонидан иш ҳолатлари тўлиқ ўрганилмаганлиги, ҳаракатлари нотўғри квалификация қилингани, иш бир томонлама кўриб чиқилганига оид важлар келтириб, ўзининг касаллиги, оилавий шароитини инобатга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья Е.Абибуллаевнинг маърузасини, прокурор Ш.Шомирзаевнинг суд қарорларини ўзгаришсиз, келтирилган тафтиш шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни сўраган хулосасини, адвокат Б.Ражабовнинг келтирилган тафтиш шикоятини қаноатлантириб, С.Саид Газиёвга нисбатан енгиллик беришни сўраб берган фикрларини, шикоят важларини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд қарорларини ўзгартиришни лозим топади.

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят ишини судда кўришда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабларига тўлиқ риоя қилинган. Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида ЖПКнинг 95-моддаси тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Жумладан, судлов ҳайъати судланувчи С.Саид Газиёвнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликдаги айби, суд мажлисида ўзининг айбига қисман иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, жиноят иши ҳужжатларидаги жабрланувчиларнинг аризалари ва унга илова қилинган шартнома нусхалари, банк сирини ташкил этувчи маълумотлар, ҳужжатли тафтиш далолатномаси,



юзлаштириш баённомаси ҳамда жиноят ишида мавжуд судлар томонидан атрофлича текширилган бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Биринчи инстанция суди томонидан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиб, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқланиб, судланувчи С.Саид Газиёвнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди, 184-моддасининг 3-қисми ва 189-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган бўлса-да, бироқ ЖКнинг 179-моддаси билан нотўғри квалификация қилинган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддасида, сохта тадбиркорлик, яъни уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан ссудалар, кредитлар олиш, фойдани (даромадни) солиқлардан озод қилиш (солиқларни камайтириш) ёки бошқача мулкӣ манфаат кўриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотлари тузишда ифодаланган ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Қонунга кўра, жиноий қилмиш объектив томондан уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан, тадбиркорлик ташкилотларини тузишда ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги 11-сонли қарорининг 14-бандига кўра, “сохта тадбиркорлик тўғрисидаги (ЖКнинг 179-моддаси) ишларни кўришда шахснинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятни амалга оширмай туриб ноқонуний кредитлар олиш, солиқлардан озод бўлиш, эгаллашга ҳуқуқи бўлмаган бошқа мулкӣ фойдани олиш мақсадини кўзлаганлиги ҳисобга олиниши лозим. Бундай мақсаднинг аниқланиши шахснинг ҳаракатини Жиноят кодексининг 179-моддаси ҳамда талон-торож қилишга суиқасд қилиш ва солиқ тўловлари тўлашдан бўйин товлаш ва ҳоказолар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари мажмуи билан тавсифлаш учун асос бўлиши мумкин. Бу ўринда судлар ушбу қонун меъёрининг мақсади хўжалик айланма маблағининг ишончилигини таъминлашдан, бозорда фаолият олиб бориш қоидаларини кўриқлашдан, жамият, давлат, фуқаронинг иқтисодий манфаатларини муҳофазалашдан, жумладан, уларга солиқ ва кредит соҳаларида мулкӣ зарар етказилишидан ҳимоялашдан иборат эканлигини эътиборга олишлари керак”лиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Қонун мазмунига кўра, сохта тадбиркорлик жиноятнинг объектив томони уставдаги фаолиятни амалга ошириш нияти бўлмаган корхоналар ва бошқа тадбиркорлик уюшмаларини, яъни сохта тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган корхоналарни барпо



етишда ифодаланиши, бу ҳолатлар шак-шубҳасиз исботланиши шартлиги, яъни айбдорда аслида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсади бўлмаганлиги ишончли далиллар билан аниқланиши кераклиги, агар шахсда тадбиркорлик билан шуғулланиш нияти бўлган, лекин бу фаолият у ёки бу сабабларга кўра амалга ошмаган бўлса жиноят таркиби бўлмаслиги назарда тутилган.

Жиноят иши ҳужжатлари ва суд мажлисида аниқланган ҳолатларга кўра судланувчи С.Саид Газиев “Kvadratura” МЧЖни ўз номига қайта ташкил қилиб, уставда кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан ссудалар, кредитлар олиш, фойдани (даромадни) солиқлардан озод қилиш (солиқларни камайтириш) ёки бошқача мулкый манфаат кўриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотини тузмаганлигини, у орқали имтиёзли кредитлар, солиқ имтиёзлари, имтиёзли тарзда пул маблағларини фаолиятига жалб қилиш каби операцияларни амалга оширишмаганини, бу ерда судланувчи С.Саид Газиевнинг мақсади солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламасликка қаратилганини кўриш мумкин.

Шундай ҳолатда, дастлабки тергов органи томонидан дастлаб иш фаолияти юзасидан, жамиятнинг фаолиятини юритиб келиш жараёнида, савдо ёки хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган қонунчилик талабларини бузишда ифодаланган ҳаракатларни содир этганлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 189-моддасининг 1-қисми билан айб эълон қилинган бир вақтда, унга нисбатан айнан мазкур эпизод бўйича амалга оширилган тадбиркорлик фаолияти сохта эканлиги қайд этилиб, қарама-қарши фикрига келган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси билан ҳам қайта айб эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 26-банди иккинчи хатбошида, судланувчи томонидан содир этилган бир жиноят, жиноят қонунининг бир неча моддалари билан хато тавсифланганда, ёки бир неча содир этилган жиноятларини жиноят қонунининг оғирроқ жазони тақозо қилувчи биргина моддаси билан тавсифлаш ўрнига асоссиз равишда жиноят қонуни бир моддасининг бир неча қисмлари билан тавсифланганда, суд ҳукмнинг тавсиф қисмида судланувчига хато қўйилган ЖКнинг моддаси (моддаси қисми ёки банди)ни чиқариб ташлаш тўғрисида ҳам тегишли асослар келтирган ҳолда кўрсатиб ўтиши етарлилиги назарда тутилган.

Бироқ, биринчи ва кассация инстанция судлари мазкур қонун нормалари ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилмасдан, С.Саид Газиевни ЖКнинг 179-моддаси билан айбли деб топиш ва шу модда билан жазо тайинлаш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Шу боис, судлов ҳайъати С.Саид Газиевга “Kvadratura” МЧЖ фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси билан ортиқча тарзда айб эълон қилинганлиги муносабати билан, уни ушбу



модда бўйича айбсиз деб топиб, ишнинг шу қисмини ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан тугатишни лозим топади.

Судлов ҳайъати, шикоятдаги С.Саид Газиёвга нисбатан енгилроқ жазо тайинлаш ҳақидаги ва жини ва тайинланган жазонинг адолатлилигини муҳокама қилиб, қўйидаги тўхтамга келади.

Хусусан, судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан судланувчи С.Саид Газиёвга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7, 8, 45, 57-моддалари талабларига, Олий суд Пленуми қарорининг тушунтиришларига риоя қилиб, унинг шахсини, ёшини, оилавий шароити ва моддий аҳволини айбини енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олган ҳолда, шу билан биргаликда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, жиноятни ғаразли ниятларда содир этгани, етказилган зарарлар қопланмаганлиги жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, шунингдек, илгариги ҳукм билан тайинланган жазони ўташдан бўйин товлаб, қасддан янги жиноят содир этганини, бундан ташқари жиноят содир этишда муайян ҳуқуқдан фойдаланмаганини ҳисобга олиб, унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, муайян ҳуқуқдан маҳрум этмасдан, унга нисбатан ЖКнинг 168, 184-моддалари санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш, 189-моддасининг 1-қисми билан аҳлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаш, ЖКнинг 59, 61-моддалари ва ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳақида адолатли ва қонуний тўхтамга келган.

Судлов ҳайъати, қайд этилган Қонун ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, С.Саид Газиёвни ЖКнинг 179-моддаси билан қўйилган айбловлар бўйича оқлашни ва шу модда билан ва ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни бекор қилишни, ЖКнинг 168, 184, 189-моддалари билан тайинланган жазоларни аслича қолдириб, ЖКнинг 59, 61-моддалари ва 59-моддасининг 8-қисми тартибида узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати С.Саид Газиёвга нисбатан чиқарилган суд қарорларини ўзгартириб, шикоятни қисман қаноатлантиришни, суд қарорларининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521<sup>4</sup>, 521<sup>6</sup>-моддаларига риоя қилиб, тафтиш судлов ҳайъати

а ж р и м қ и л д и :

Саид Газиёв Саид Сарвар Саид Синохоновичга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2025 йил 3 июндаги ҳукми ва Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2025 йил 20 ноябрдаги ажрими ўзгартирилсин.



Саид Газиев Саид Сарвар Саид Синохонович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси билан қўйилган айблов бўйича оқлансин ва ишнинг шу қисми ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан ҳаракатдан тугатилсин.

С.Саид Газиевга ЖКнинг 179-моддаси билан ва ЖКнинг 59, 61-моддалари ва 59-моддасининг 8-қисми тартибида тайинланган жазолар бекор қилинсин.

Саид Газиев Саид Сарвар Саид Синохоновичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан тайинланган ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖК 184-моддасининг 3-қисми билан тайинланган 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖК 189-моддасининг 1-қисми билан тайинланган иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси аслича қолдирилиб, ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида 5 (беш) йил 10 (ўн) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 8-қисмига асосан илгариги ҳукм билан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан С.Саид Газиевга узил-кесил ўташ учун 6 (олти) йил 10 (ўн) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Тафтиш шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

Ф.Тураходжаев

Ҳайъат судьялари

Ж.Одилов

Е.Абибуллаев

Нусхаси аслига тўғри \_\_\_\_\_ Е.Абибуллаев

